# МУАЛЛИМНИНГ МАОШИ ҚАНЧА?

Давлатимиз раҳбарияти бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги шароитда меҳнаткашларни, энг аввало, бюджет ҳисобидаги ташкилотларни, жумладан, халқ таълими ходимларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга катта эътибор бермоқда. 1993 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, стипендиялар ва нафақаларни ошириш тўғрисидаги 6 та фармони чиқди. Шу мақсадлар учун халқ таълими тизимига қўшимча 70 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, йил мобайнида жумҳуриятимизда энг оз иш ҳақи 2000 сўмдан 16.200 сўмга етди. Бундай шароитда ойлик иш ҳақини тайинлашнинг ягона тамойилларини ва ҳисоб-китоб ишларини бир андозага солиш катта аҳамият касб этади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрда қабул қилган қарорига мувофиқ, 1993 йил 1 январидан жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси амал қила бошлади. Республика Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг мутахассислари томонидан халқ таълими тизими бўйича ҳам ягона тариф сеткаси ишлаб чиқилди. Мазкур тариф сеткасига кўра, ўз малакасини, тариф коэффициентини билган ходим уни 16.200 сўмгача оширилган энг оз иш ҳақига кўпайтириб, ўзининг мансаб окладини аниқ белгилаши мумкин.

Президентимизнинг 1993 йил 13 октябрдаги Фармонидан сўнг Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Маърифат» газетаси таҳририятига жойларда лавозим окладларини нотўғри белгилашаётгани ҳақида маълумотлар кела бошлади. Вазирлик халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси билан биргаликда жойларга дарҳол шу масалага оид тушунтириш хатлари юборди. Бироқ олинаётган ахборотлар вилоят халқ таълими бошқармалари ва уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари бу борада ҳамма жойда ҳам зарур тушунтириш ишлари олиб бормаётганидан дарак беряпти. Шу муносабат билан қуйидагиларни маълум қилмоқчимиз:

Республика Президентининг 1993 йил 13 октябрь Фармонидан кейин биринчи тоифали ўқитувчининг ойлик ставкаси 31.320 сўмни 13.500 сўм X 2,32 (тариф коэффициенти), иккинчи тоифали ўқитувчиники 28.215 сўмни (13.500 X 2,09), олий маълумотли ўқитувчиники 25.380 сўмни (13.500 X 1,88) ташкил этади.

Педагог мутахассислар етишмаётгани сабабли республика бўйича ҳар бир педагогик кадр ўртача 1,32 ставка иш билан таъминланган. Шунга кўра, биринчи тоифали ўқитувчининг ойлик иш ҳақи 41.100 сўмни, иккинчи тоифали ўқитувчиники 37.240 сўмни, олий маълумотли мутахассисники эса 33.500 сўмни ташкил этаяпти. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 13 октябрдаги Фармонига берилган шарҳда ўз ифодасини топганди. Бошқа педагогик ходимларнинг ойлик маошлари ҳақида ҳам шундай фикрланса, тўғри бўлади.

Президентимизнинг жумҳурият тараққиёт йўлининг беш тамойилидан бири бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдир. Иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 16.200 сўм қилиб белгиланиб, маошлар ўртача 1,2 баравар оширилгани ҳақидаги Фармон шу йилнинг ўзидагина бу борадаги олтинчи фармондир. Шунга мувофиқ, 1993 йил 1 ноябрдан биринчи тоифали ўқитувчининг ойлик маоши 37.584 сўмга, иккинчи тоифали ўқитувчиники 33.858 сўмга, тоифага эга бўлмаган олий маълумотли мутахассиснинг иш ҳақи эса 30.456 сўмга етди. Педагогик таъминланиш (педнагрузка) ҳажми 1.32 ставка эканлигини назарда тутсак, бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 49.610 сўм, 44.692 сўм ва 40.200 сўмни ташкил этади.

1993 йилда ўқитувчиларга тўланадиган қўшимча ҳақнинг барча турлари уч марта — 1 июлдан 1,5 баравар, 1 октябрдан 1,2 баравар, 1 ноябрдан 1,2 баравар оширилди. Демак, 1993 йил 1 ноябридан бошланғич синфларда синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ 325 сўм, юқори синфларда — 495 сўм, педагогика билим юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида 325 сўм қилиб белгиланди. Дафтар текширганлик учун I—IV синфларда 240 сўм, юқори синфларда, педагогика ҳамда ҳунар-техника билим юртларида она тили ва рус тили фани бўйича дафтар текширишга 325 сўм, математика фани бўйича 240 сўм, чет тили бўйича 170 сўм қўшимча ҳақ тўланади. Мактабларда кабинет раҳбарлиги учун ҳамда ҳунар-техника билим юртларидаги умумтаълим фанлари бўйича кабинетлар учун 170 сўм қўшимча ҳақ берилади.

Кейинги пайтларда коммунал хизмат — электр қуввати, иссиқлик ва газ таъминотидан фойдаланиш ҳақи ҳам анча ошди. Шу боис республика Президенти фармонларида халқ таълими ходимлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Улар коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан қишлоқ жойларда 100 фоиз, шаҳар ҳудудларида 50 фоиз озод этилади. Ҳолбуки, ҳисоб-китобларга қараганда, шу йилнинг ноябригача бўлган нарх-наво бўйича бюджет ҳисобидан коммунал хизматдан фойдалангани учун қишлоқ жойларда тўрт кишилик битта оила учун 3,5 минг сўм, шаҳар ҳудудида эса 1,5 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Бинобарин, тежалган бу маблағни амалда халқ таълими ходимининг ойлик маошига қўшилган ҳақ деса ҳам бўлади. Таъкидлаш жоизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бирортасида ҳам халқ таълими ходимлари бу каби салмоқли имтиёздан фойдаланмайдилар.

Мактаблар таҳлили халқ таълими ходимларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга оид кўрсатма ҳужжатларнинг, тушунтириш хатларининг жойларга зарур даражада етказилмаётганини кўрсатмоқда. Шунга кўра, биз вақти-вақти билан матбуот орқали бу борадаги саволларга жавоб бериб боришни лозим топдик.

Зеро, ҳар бир киши ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла билган тақдирдагина ишининг самараси юксак бўлади.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг муовини.**

## *Сўранг—жавоб берамиз*

**(МУШТАРИЙЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ БЎЛИМИ МУТАХАССИСИ Т. ЛАНИНА ЖАВОБ БЕРАДИ).**

**САВОЛ: Мактабда мусиқа фанидан тўгарак раҳбариман. Тўгаракка 40 киши олишни мажбурий деб айтишмоқда. Оқибатда истеъдодсиз ўқувчилар ҳам аъзо бўлишиб, ҳеч бир натижа бермаяпти. Раҳбаримиз эса 40 ўқувчидан битта кам бўлса ҳам тўгаракни ёпамиз, дейди. Ҳозирча 20 ўқувчи ариза берди. Тўгарак раҳбари имкониятга қараб ўқувчи қабул қилиши керак эмасми? Мактабдаги ўқувчи сони қанча бўлса бу тўгаракка қанча ўқувчи қабул қилинади? Шунингдек, тўгарак дарс соати учун конспект ёзиш шартми ёки йўқми?**

**М. МАРДАЕВ.**
**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани.**

**ЖАВОБ:** Амалдаги қонунларга кўра, мактаб тўгараклари, шу жумладан, мусиқа тўгарагининг аъзолари сони ҳам аниқ чегараланмаган. Бироқ тўгаракда, мактабдан ташқари муассасада бўлгани каби, камида 15 нафар ўқувчи бўлиши керак. Тўгарак раҳбарига тўланадиган ҳақ мактаб сметасидан ажратилиб, бу маблағ мактабдаги синфларнинг миқдорига боғлиқдир. Агарда бу ажратма етмаса, тўгарак раҳбарининг ишига тарбиячи штати лавозими ҳисобидан ҳақ тўлаш ҳам мумкин. Бундай ҳолда тўгарак аъзоларининг сони 30—40 киши, яъни куни узайтирилган гуруҳда бўлгани каби бўлиши шарт.

**САВОЛ: —Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирган ўқитувчиларга тоифа (категория) бериладими? Имтиёзли диплом билан олий ўқув юртини битирганлар қандай имтиёзларга эга бўладилар?**

**Р. БЎРОНОВ.**
**Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани.**

**ЖАВОБ:** Олий ўқув юртини имтиёзли битирганларга тоифа берилмайди. Ёш мутахассислар ишга жойлашгач, бир йил ўтгандан сўнггина аттестациядан ўтказилади ва унга малака талабларига мос бўлган тоифа берилади. Бунда олий ўқув юртини аъло даражада битирганларга ҳеч қандай имтиёз бериш кўзда тутилмаган.

**САВОЛ: Қатор йиллардан бери ўқитувчи эдим. Шу йил апрель ойида ишлаётган мактабимдан болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказига ўтиб, тўгарак раҳбари бўлиб ишлай бошладим. Мактабдаги ишни ҳам давом эттирдим. 1993 йил 1 июндан иш ҳақини 2,5 баравар ошириш тўғрисида фармон чиқди. Ҳамма қатори мактабдан мени ҳам меҳнат таътилига чиқаришди. Мактабда май ойида ишламаганим учун менга 44 иш куни белгилашиб, эски тариф бўйича иш ҳақи тўлашди. 19 иш кунимга эса янги тариф бўйича ҳақ тўланиши айтишди. Таътил пулимни шундай ҳисоблашгани тўғрими?**

**Ш. ЮНУСОВ.**
**Андижон вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 27 майдаги Фармонига кўра, 1993 йил 1 июндан меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақи 2,5 баравар оширилди. Шу муносабат билан таътил кунлари учун июнь ва кейинги ойларга мўлжалланган отпуска пули ҳам қайтадан ҳисобланди. Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 2 июнь Фармонига биноан эса, ойлик иш ҳақи яна 1,5 баравар ошди. Яна июль ва кейинги ойларга мўлжалланган таътил пули қайта ҳисобланди. Шу сабабли сизга берилган таътил пули тўғри ҳисобланади.

# БОБУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

**Алишер Навоий номидаги кутубхонада Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.**

**Ушбу анжуманда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, бобурийлар сулоласи даври маданияти, санъати, адабиёти ва меъморчилигига оид турли тилларда чоп этилган икки мингдан ортиқ дурдона китоблардан иборат ажойиб кўргазма ташкил этилди.**

**Кўргазмада Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа асарлари, таниқли шарқшунос олимларнинг темурийлар ва бобурийлар даври ҳаёти, адабиёти, санъати, архитектураси ҳақидаги илмий тадқиқотларига кенг ўрин берилган.**

**Китоб кўргазмаси билан бирга Бобур ва унинг авлодлари томонидан барпо этилган ҳашаматли сарой, масжид, макбара ва меъморчилик санъатининг юксак намуналари бўлмиш бошқа иншоотларни акс эттирувчи 80 дан ортиқ фотолавҳалар намойиш этилди.**

**Анжуман қатнашчилари ёзувчи Пиримқул Қодиров, таниқли олимлардан А. Қаюмов, С. Ғаниева ва Н. Бекмирзаевларнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Делип Меҳта қисқача нутқ сўзлаб, ушбу тадбир Ўзбекистон жумҳурияти ҳаётида, қолаверса, ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини эътироф этди. У кутубхонага фил суягидан ишланган, четлари кумушдан ясалган Бобур суратини туҳфа этди.**

**Конференцияда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси маданият ишлари маслаҳатчиси жаноб Пьер Шувен ҳам қатнашди.**

**М. МУРТАЗОЕВА**



**Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактабда янги ўқув йилидан 1-«А» синф ўқувчилари алифбесиз ўқитила бошлаганди. Иқтидорли болалардан ташкил топган бу синф ҳозир ўзлаштиришда намуна бўлмоқда.**

**Тасвирда: муаллима Мавжуда Ўзибоева мазкур синф ўқувчиларига сабоқ бераяпти.**

**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**

# ТЎГАРАКЛАР ИШЛАЁТИР

**Избоскан тумани ўқувчилар уйида йигирмадан зиёд — бичиш-тикиш, каштачилик, дурадгорлик, машинкада ёзиш, радиотехника, киномеханика, мусиқа, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, шахмат-шашка, рақс каби тўгараклар фаол иш олиб бормоқда. Уларда 1060 нафар ўқувчи қатнашмоқда.**

**Дурадгорлик, бичиш-тикиш, каштачилик, киномеханика, ўймакорлик ва ҳайкалтарошлик тўгаракларида ўқувчилар тайёрлаган кўргазма ишларини сотув шохобчаларида кўпчилик қизиқиш билан харид қилмоқда. Ундан тушган 250 минг сўм маблағ ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланди.**

**Ш. КЕЛДИЕВ,**
**«Маърифат»нинг штатсиз мухбири.**

## *Олий таълим: маънавият ва мафкура ўқуви*

# МУҚАДДАС ҲУҚУҚ

**ИККИНЧИ МАҚОЛА**

Мана, учинчи йилдирки, ҳур Ўзбекистонда истиқлол шамоли эсмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида илдам одимлар қўйилмоқда. Бу, айниқса, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлмоқда. Салкам бир ярим асрлик сиёсий кишанбандликдан тинч йўл билан озод бўлган Ўзбекистонимизнинг овози жаҳон бўйлаб баралла янграмоқда. Ички ва ташқи сиёсатда ўз йўлимиз бор. Маънавий тараққиётимизнинг ўз мафкурасини яратаётирмиз.

Хўш, миллий истиқлол мафкурасининг асоси, хусусиятлари нималарда кўринади?

Менимча, миллий истиқлол мафкурасининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат. **Биринчидан,** мустақиллик ҳис-туйғуси ва уни тўла идрок этиш. **Иккинчидан,** ўзбек миллий мафкураси. **Учинчидан,** кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлиги.

Миллий истиқлол мафкураси она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва юрт равнақи ҳақидаги ғоялар мажмуидир. Миллий истиқлол мафкураси жамиятдаги барча кишиларни, миллат ва элат вакилларини, ижтимоий-сиёсий куч ва гуруҳларни бирлаштирувчи муҳим омилдир. У ҳар қандай партиявий мафкурадан юқоридир. Миллий истиқлол мафкураси — мустақил миллий давлатчилик қуриш учун амалга оширилаётган ва кўп йилларга мўлжалланган ислоҳотлар, буюк келажагимизга ишонч руҳида суғорилган дастуриламал ғоялар ва ҳаракатлар мажмуидир. Миллий истиқлол мафкураси — бу ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган имон ва инсоф, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, виждон ва андиша, ор-номус, бир-бирига ўзаро ҳурмат, она юртга, ўз элатига садоқат каби азалий ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуидир.

Яқин-яқинларга қадар «миллий мафкура» иборасини ишлатиш жиноят ҳисобланарди. Ўз миллатини севиш, миллий ютуқларидан фахрланиш, миллат йўлидаги саъй-ҳаракатлар «миллатчилик» тамғалари билан қораланарди. Ҳолбуки, миллийлик, миллатга мансублик — бу умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир. Шукроналар бўлсинки, ўзбек халқи ҳар қанча истибдод, тазйиқу чеклашларга қарамай, тили, дини, маданияти, мероси илдизларидан узилиб қолмади.

Бинобарин, ўзбек миллий мафкурасининг негизини қуйидагилар ташкил этади: **биринчидан,** миллий ғурур, **иккинчидан,** ўзбек миллатининг асосий фазилатлари, **учинчидан,** буюк миллий-маданий меросимиз, ва ниҳоят, **тўртинчидан,** миллий онг ва дунёқараш.

Миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз буюк куч эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигина биз ўз миллий мафкурамизни яратишимиз мумкин.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёсига эга. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун у муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки болаларимиз ана шу кўзга илинмас ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Булар тил воситасида онгимизга кира боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожидир.

**Биринчидан,** бизнинг юрт дунёга маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини етиштириб берган. Умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда буюк аждодларимиз бевосита иштирок этганлар, улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маданий мероси жаҳон маданиятининг таркибий қисмидир.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга, ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий маданий мерос соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда давлат-ҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннаҳрда ислом маърифатига, ҳуқуқшунослиги — фиқҳ, шариатга ва умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фиқҳлар — юристлар яшаганлар.

**Учинчидан,** ҳудудимизда жойлашган 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморий ёдгорликлар ўзбек халқининг беқиёс маданий меросининг намуналаридир. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний бурчимиздир. Шунинг учун Асосий Қомусимизнинг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар», дейилган. Бу борада ушбу конституциявий қоидани ривожлантириб, «Маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисида» махсус қонун қабул қилинса, нур устига нур бўлур эди.

Хуллас, миллий истиқлол мафкурасининг узвий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади. Маънавиятимиз хазинаси дурдоналаридан баҳраманд бўлиб тарбияланган соғлом авлод руҳан тетик, баркамол бўлиб voяга етиши шубҳасиздир.

Кўҳна ва навқирон ўзбек давлати азалдан Буюк Ипак йўли, яъни савдо-сотиқ, маданият, турли динлар кесишган заминда жойлашган. Шунинг учун машҳур карвонсаройларда доимо турли миллат вакилларининг турли тиллардаги суҳбатини эшитиш мумкин бўлган. Тарихан бизнинг ўлкада аҳоли турли динларга эътиқод қилган. Аммо уларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта турмуш кечиришининг энг муҳим омили она тупроққа ҳурмат, садоқат, муҳаббат бўлган. Ватанпарварлик туйғуси барча-барчани жипслаштирган.

Таваллуд топган заминга ҳурмат тариқасида улуғ аждодларимиз ўз исмлари охирига туғилиб ўсган жой номини қўшиб айтганлар: Хоразмий, Бухорий, Термизий, Фарғоний, Марғилоний, Фаробий, Яссавий, Югнакий, Беруний ва бошқалар. Бу киндик қони тўкилган ерга — она-Ватанга бўлган амалий садоқат тимсолидир. Улар шу йўл билан ўз Ватанини, юртини, маданияти, фанини, санъатини бутун жаҳонга тарғиб қилганлар. Бу ноёб ватанпарварлик намунасидан келиб чиқиб, ҳар биримиз туғилган жойимизнинг — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини амалда яқинлаштириш учун баҳоли қудрат меҳнат қилмоғимиз керак.

Ўзбекистон мустақил демократик ҳуқуқий республика. Ҳуқуқий мафкуранинг мақсади келажаги буюк бўлган Ўзбекистон давлатини барпо этишдир. Қонун устиворлиги, ҳуқуқга бўлган ҳурмат ва давлатнинг келажагига ишонч — ҳуқуқий мафкуранинг асосий вазифасидир.

Биз демократик, дунёвий, ҳуқуқий давлат қуришни истаётганлигимизни халқ аниқ билиши керак. Бундай фуқаролик жамиятида ҳар бир шахс учун, кимлигидан қатъи назар, муносиб турмуш шароити яратиб берилади.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади.

Тарихий тараққиётнинг айрим босқичларида республикамиз ҳудуди йирик давлатлар таркибига кирган бўлса, айрим босқичларда унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатлар мавжуд бўлган. Ўзбек давлати пайдо бўлиши ва тараққий этиши солномаси қуйидагича:

Сўнгги тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабила бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча сақ қабилаларини бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқеи билан бошқалардан ажралиб турган. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Тарихий манбаларда эрамиздан аввалги XV—XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлати таркибида бўлганлиги, мустақил Хоразм давлати ҳақида маълумотлар учрайди. Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларининг ҳукмронлиги ўрнатилади. Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида хоразмликлар, кейинчалик сақ қабилалари мустақилликка эришади.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги чорагида Хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё македонияликлар томонидан босиб олинади. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг Марказий Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига киритилади. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарига келиб Грек-Бактрия подшолиги ташкил топиб, унинг таркибига Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна ва Паркана (Фарғона) киради. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тоҳиристон давлати ташкил топади. Кўп ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетади.

Эрамизнинг I—IV асрларида Марказий Осиё ҳудуди Кушон подшолиги таркибида бўлди, IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил топди. V аср ўрталарида Марказий Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинди. VI асрнинг охирги чорагидан араблар босиб олгунгача Марказий Осиё Ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибида бўлди.

VIII аср бошларида Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Араблар бизнинг ўлкани Мовароуннаҳр деб атадилар. IX аср охири X аср бошларидан X асрнинг иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмидан қорахонийлар, XI аср бошларидан салжуқийлар ҳукмронлик қилдилар. XI аср бошларида Хоразм ғазнавийлар томонидан босиб олинди. XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни қорахонийлар ўзига бўйсундирди. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришди. XIII аср бошларидан XIV асрнинг 60-йиллари ўрталаригача Мовароуннаҳрда мўғуллар, XV аср охирларигача Темур ва темурийлар, XVI асрдан шайбонийлар ҳукмронлик қилдилар. XVI асрнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива, XVIII аср бошларида Қўқон хонликлари ташкил топди. Марказий Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида Русия томонидан босиб олинди. Қўқон хонлиги тугатилди. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Русия протектората ўрнатилди. Ҳудудимиз Туркистон ўлкаси деб атала бошлади.

1917 йилда «қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгандан сўнг Ўрта Осиё ибораси қўлланила бошланди.

Демак, бизнинг ёш мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўҳна Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб сомонийлар, хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатларининг давлат бошқарув тажрибасини, қадимий халқимизнинг бутун тарихий тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини, яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий равишда мужассамлаштиради. Ўзбек давлати ўзининг салкам 3 минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврупа ва Осиё маърифатпарвар дунёсини, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк халқаро йўллар кесишган заминда жойлашган. Маърифатпарварлик борасида маънавиятимиз шаклланa бошланганига камида 2,5 минг йил бўлган. Ўзбеклар ғоят кўҳна ва кўпдан-кўп негизга — саклар, массагетлар, сўғдлар, салифхид ва кўп қабилали туркларгача бўлган ғоят қадимий ва чуқур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждодлари бундан минг йил муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошладилар. Ўзбек элати шаклланишида ўтмишда араблар ва форс-тожик маданияти намоёндалари, XIII—XIV асрлардаги мўғуллар ҳамда XV—XVI асрлардаги Чингизхоннинг Чиғатой улуси мўғуллари ўзларининг бевосита таъсирини кўрсатганлар. Бу масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ўзбекларнинг ота-боболарига, аждоду авлодларига ҳиндлар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маданий таъсир бўлганини кўриш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гиламда уйғурлар, арманлар, лўлилар ва ўнлаб бошқа нисбатан кам сонли миллий жамоаларга тааллуқли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий иплар ҳам тўқилганлигини айтиш керак. Йигирма асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-аждодлар билан бирга яҳудийлар яшаган ва яшаб келишмоқда. X асрдан XV асргача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина христиан-несторианлар ҳам яшаганлар. Ислом қабул қилингунга қадар мўғул ҳукмдорлари оммавий равишда уларга ҳомийлик қилганлар.

XIX аср охирида Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданияти кишилари қўшилди. Буларнинг ҳаммасига аниқ тарихий ва миллий ўзига хослик шароитида миллий давлатчиликнинг ва ҳуқуқий тизимнинг табиий туғилиши ва ривожланиши гувоҳдир.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия каби жаҳоншумул ҳодисаларга доир тушунчамизни аниқловчи асосий тамойиллар — бу миллий давлат манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига мувофиқлик, унинг суверенитетини чуқур ҳурмат қилишдир. Жамиятимизда инсон ҳуқуқлари фақат қонунлар билан эмас, балки халқнинг ўз-ўзини англаши, унинг эзгулик соҳасидаги ахлоқий тажрибаси, меҳмондўстлиги билан ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистонда бутун шарқ цивилизациясига хос бўлган оилани ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўлиқ қабул қилиш ва шахсии ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни ва ёш давлатимизни бойитади.

Инсоннинг энг асосий ҳуқуқи — тинч яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқи. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг дастлабки, энг муҳим шартидир.

**Акмал САИДОВ,**
**ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.**

